# ПАХТА НАВЛАРИНИ ЯНГИЛАШ — ДАВР ТАЛАБИ

**А. УСМОНОВ:** — Вазирлар Маҳкамасининг ушбу қарорида таъкидланган муаммоларни ҳал этиш учун нима ишлар қилиш керак? Нега шундай қарор қабул қилишнинг зарурати туғилди? Биз бугунги «Давра суҳбати»мизда ана шу саволларга жавоб топишимиз, умуман, мулоқотимиз оддий деҳқонлардан тортиб, раҳбарлару мутахассисларгача — барчани ўйлашга мажбур қилиши лозим.

Фақат шугина эмас. Қарорнинг ижросини таъминлаш учун қандай тадбирларни рўёбга чиқариш зарур? Бу йил республикамизнинг аксарият вилоятлари, туман ва хўжаликларида пахта тайёрлаш йиллик режаси бажарилмаганининг сабаби нимада? Бу муаммоларнинг ечимини ҳам топишимиз даркор.

Тўғри, пахтачилик муаммолари ҳақида "Халқ сўзи" газетаси саҳифаларида бир нечта таҳлилий мақолалар эълон қилинди. "Тола керакми ёки тонна?" мақоласи — шулардан бири. Бироқ бунга жавобан на бир мутасадди раҳбар ва на илмий-текшириш институти олими фикр билдирди. Гўё қумга сингган сувдек, улар сукут сақладилар.

Газетада, шунингдек, уруғчилик муаммоси ҳақида ҳам анча-мунча чиқишлар уюштирилди. Масалан, академик Остон Жалилов мақоласини олиб кўрайлик. Тағин жим-житлик. Бизни ўйлантирадиган томони, Президентимиз республика миқёсидаги йиғилишларда, вилоятларнинг сессияларида уруғчилик хусусида ҳамиша куйиниб гапирадилар. Аммо олимлару мутахассисларимиздан биронбир садо чиқмаяпти.

Инкор этмаймиз, бир-икки нафар олимларимиз чиқишлар қилишди. Лекин улар ҳам ўз кашфиётларини мақташ, тўғрироғи, ҳимоя этиш билан чекландилар. Ваҳоланки, жойларда пахта уруғчилиги масаласи оғир аҳволда. Агротехника талабларига амал қилиш ҳам қониқарли эмас. Ачинарлиси, селекция ва уруғчилик соҳасида ҳам таниш-билишчилик, ошна-оғайнигарчилик иллатлари мавжуд.

Шу боис, пахтачилик илмининг йирик мутахассислари сифатида сизларнинг ҳукумат қарорини мукаммал бажариш, уруғчиликни яхшилаш борасидаги фикр-мулоҳазаларингизни билмоқчи эдик.

**Ш. ЖАББОРОВ:** — Ҳозир пахта навларимиз эртапишар эмаслиги бор гап. Турли минтақаларнинг табиий-иқлим шароитларига мос келмаслиги ҳам сир эмас. Энг муҳими, тола технологик хоссалари жиҳатидан жаҳон стандартларига жавоб бермайди. Деҳқонлар билан суҳбатлашсак, «Аввалги бир этак пахта билан ҳозиргисининг вазнида кескин фарқ бор. Ҳозиргиси тош босмайди», деб айтишади. Чиндан ҳам илгари пахтанинг асосий қисми биринчи сортга топшириларди. Бугун-чи? Энг ачинарлиси, дастлабки теримдаёқ олий сорт у ёқда турсин, ҳатто биринчи сортга ҳам қабул қилинмаяпти. Хўш, нима учун шундай аянчли аҳвол юзага келди. Ренат ака, шу ҳақда сўзлаб берсангиз.

**Р. НАЗАРОВ:** — Республикамизда пахта уруғчилиги соҳасини тубдан ўзгартириш зарурати пишиб етилганди. Вазирлар Маҳкамасининг қарори қабул қилингани айни муддао бўлди. Мазкур қарорда соҳадаги, яъни ишлаб чиқаришдан бошлаб илмий муассасаларда мавжуд бўлган ҳамма камчиликлар кўрсатилган.

Очиқ айтиш керакки, шу пайтга қадар амалда пахта топшириш графиги қўлланиб келинди. Бундай шароитда уруғчилик ҳақида гап бўлиши мумкинми? Уруғчиликни яхшилаш учун, аввало, ихтисослашган заводлар бўлиши керак. Бизда эса улар ҳозирча йўқ. Шу боис, уруғлик пахтага ҳам, товар пахтага ҳам бир хил муносабат ҳукмрон. Натижада, уруғлар аралашиб кетган. Қолаверса, жойларда дорилаш цехлари қурилмаган. Айрим пахта навлари эса талаб даражасида эмас. Масалан, «Қирғиз-3» нави кам тола берса, «Фарғона-3» микронейр бўйича жаҳон андозасига жавоб бермайди. Шу сабабли бу нав 2001 йилдан бошлаб истеъмолдан чиқарилади. Унинг ўрнини «Хоразм-126», «Оқдарё-6», «Омад», «Оққўрғон-2» сингари навлар эгаллайди.

Шу пайтга қадар отахон нав ҳисобланган «Ф-108» ҳам истиқболсиз бўлиб қолди. Бу навнинг ўттиз йилдан кўпроқ вақт давомида ўз мавқеини сақлаб келаётганига тўхталсак, у ҳар қандай иқлим шароитига тез мослаша олади. Натижада айни шу нав айрим йилларда 1,5 миллион гектар майдонга экилди.

«Қизил Равот» ҳам келгуси йилдан бошлаб экишдан олиб ташланади. Унинг ўрнига «С-47-27», «Тошкент-6», «Юлдуз», «Наманган-77», «Н-65-32» навлари уруғи қадалади.

Бир неча йил муқаддам бир тележка пахта 2,5-2,7 тонна тош босарди. Нега энди бугун шунча ҳосил 2 тоннани ташкил этаяпти? Гап шундаки, тола кўп бўлса, чигит майда ва енгил бўлади. Шуни ҳисобга олиб, толага қараб ҳақ тўлашни жорий этиш лозим. Агар шундай қилинса, ҳар бир хўжалик раҳбари кўп тола берадиган навларни экишга қизиқади, толага муносабат кескин тарзда ўзгаради. Чунки бундай ҳолатда моддий манфаатдорлик бўлади-да.

**Ш. ЖАББОРОВ:** — Турсунали ака, сиз раҳбарлик қилаётган Тошкент вилояти Пискент туманидаги Ҳаким полвон Қодиров номли жамоа илғор хўжаликлар сирасига киради. Ишлаб чиқариш вакили сифатида бу ерда ўтирган мутахассислар, олимларга саволларингиз, эътирозларингиз, балки таклифларингиз бордир?

**Т. ҲАЙДАРОВ:** — Менимча, пахта уруғчилиги ҳақида аввалроқ ўйлашимиз керак эди. Негаки, бизда уруғлик навлар кўп. Натижада нима бўлаяпти? Улар бир-бирига аралашиб кетмоқда. Масалан, бу йил «Фарғона-3» навини экдик. У ҳам тоза эмас — ичида «Наманган-77» ҳам, «С-65-72» ҳам бор. Уруғчиликни яхши йўлга қўйиш учун махсус хўжаликлар ташкил этиш ва назоратни кучайтириш керак. Шунда уруғлик пахтанинг чигити товар пахтанинг чигитига аралашиб кетмайди.

Бундан ташқари, уруғлик етиштирувчи деҳқонлар рағбатлантирилмас экан, ишда ўзгариш ясаш мушкул. Дейлик, бир килограмм пахта учун беш сўм ҳақ тўланишини теримчи яхши билади. Агар уруғлик пахтага кўпроқ ҳақ тўланса, у бунинг моҳиятини англайди, пахтани саралаб теради. Пахта тозалаш заводлари ишини ҳам қайтадан кўриб чиқиш лозим. Бугунги кунда пахта тозами, нотозами — бу қайта ишловчиларни қизиқтирмайди. Натижада, юқорида айтганимдек, навлар аралашиб кетаётир.

**Х. ШИРИНОВ:** — Одатда бир туманга экиш учун икки ёки учта нав тавсия этилади. Шароитингизга қараб, эркин ҳолда улардан бирини танлаб олишингиз керак. Бу ерда ҳурматли олимимиз Ренат Саидович сертолали пахта етиштиришга эътибор қаратди. Ҳақиқатан ҳам бизда бу масала ечимини топмаган. Энди бу ишга қаттиқ киришилмаса бўлмайди. Тола билан ҳисоб-китоб қилишни йўлга қўйиш зарур. Шундай қилингандагина толага муносабат ўзгаради.

Ҳозир баъзи хўжаликлар пахтани 4-5 -сортларга топшираяпти. 1-2 -сортларга топширилган пахтанинг фойдаси 5-сортга қабул қилинган пахтанинг зарарини қоплашга сарф бўлади. Натижада меҳнат қилган кишиларнинг ҳам, хўжаликларнинг ҳам киссаси қуруқ қолаверади.

Толанинг кўп чиқиши, сифатнинг яхшиланиши ғўза агротехникасига қай даражада риоя этилишига боғлиқ. Масалан, ўтган йили туманимиз хўжаликларида ерга бир килограмм ҳам калий солинмади. Чунки бундай ўғитнинг таги йўқ. Агар ғўза калий билан озиқлантирилса, аввало, чигитнинг толаси ортади, қолаверса, унинг мойлилик даражаси кўпаяди.

Яна бир омилга эътибор қаратиш лозим. Бизда бўз тупроқли, ботқоқ тупроқли ерлар мавжуд. Ботқоқ тупроқ бўз тупроққа нисбатан кўп ўғит талаб қилади. Ҳосили ҳам енгил бўлади. Шу боис, шудгорлаш олдидан гектарига 120-150 килограммдан фосфор солиниши зарур. Бу келгуси йил ҳосилига ишончли замин ҳисобланади. Бироқ хўжаликларнинг иқтисодий аҳволи ўғит сотиб олишга имкон бермаяпти.

**Р. НАЗАРОВ:** — Тўғри айтдингиз, Хушвақт ака. Кузги шудгор олдидан ерга солинган ўғитнинг самараси юқори бўлади. Шу боис, имкони борича ерни кузда ўғитлаш лозим. Сабаби — бунда у 30 см. чуқурликка тушади, вегетация даврида ғўзанинг илдизига кучли таъсир қилади. Ёзда эса ўғит бор-йўғи 15 см. чуқурликка тушишини унутмайлик.

Нав кўп бўлса, уруғ бузилиши ҳисобга олиниб, бир туманда иккитадан ортиқ нав экилмаслиги керак. Сабаби — бизда уруғлик чигитни қайта ишлашга мослаштирилган заводлар бўлмагани боис, юқорида айтилганидек, уруғлар аралашиб кетади. Масалан, республикамиз бўйича энг тоза уруғ «Бухоро-6» ҳисобланади. Бухоро вилоятининг деярли 90 фоиз майдонига ана шу нав экилади. Шу туфайли у бошқа навлар билан аралашиб кетмаган. Шундай тоза уруғ Хоразмда ҳам мавжуд.

**Х. ШИРИНОВ:** — Менимча, ҳар бир туманда уруғчиликка ихтисослашган элита хўжаликлари бўлиши керак. Уларга бошқаларга нисбатан ҳосилдорлик режасини камроқ белгилаш зарур. Шунга қараб эса, ҳисоб-китоб қилиш йўлга қўйилади. Агар уруғ тоза бўлса, чигит бир текис униб чиқади. У аралаш бўлса, табиийки, ғўзанинг нотекис ўсишига сабаб бўлади.

**А. АВЛИЁҚУЛОВ:** — Давлат буюртмаси, тўқимачилик комбинатларининг эҳтиёжи ва ташқи бозордан келиб чиқиб, нав танланади. Ҳозир республикамизда валюта тушумининг 65 фоизи пахтанинг ҳиссасига тўғри келади. Демак, қанақа нав экилиши шу асосда белгиланади. Пахта нави уч хил тоифага: эртапишар, ўртапишар ва кечпишарга бўлиниши маълум. Минтақаларнинг иқлими, тупроқ шароитига қараб, вилоятларга буюртма берилади.

**Ш. ЖАББОРОВ:** — Олимлар меҳнатини игна билан қудуқ қазишга менгзашади. Ҳақиқатан ҳам шундай. Аваз ака, нафсиламбирини айтганда, мазкур қарор сизларнинг институтингиз учун катта воқеа бўлиши керак. Сизга икки саволим бор: 1) Қарордан қандай сабоқ олинди? 2) Деҳқонларга нима гапингиз бор?

**А. АВЛИЁҚУЛОВ:** — Сўнгги йилларда республикамизда пахта ҳосилдорлиги анча пасайиб кетди. Бунинг сабаби нимада?

Тан олишимиз керак, бизда жаҳон стандартларига жавоб берадиган навлар мавжуд. Бироқ, парвариш даври, яъни ғўза агротехникаси, деган гап ҳам бор. Хўш, ғўза агротехникаси ўз муддатида бажарилаяптими, ўғитлар ўз вақтида берилаяптими? Шудгорлаш олдидан ерга калий, фосфор, азот ўғитлари солинаяптими? Уруғ бегона ўтларга қарши гербицидлар билан қўшиб экилаяптими? Хўжаликларга ўша ўғитларни вақтида етказишга кафолат берадиган бирор ташкилот борми?

Энди техникани олиб кўрайлик. Хўжаликларда ҳозир икки-учтадан «Олтой» бор, бошқа техника воситалари йўқ. Техника таъминоти йўлга қўйилмаса ёхуд кимёвий дорилар хўжаликларга ўз вақтида етказиб берилмаса, агротехника тадбирлари тавсия этилган муддатларда бажарилмаса, албатта, кўсакнинг чўғи камаяди-да. Ҳисоб-китобларга кўра кейинги уч йил ичида бу оғирлик икки баравар озайган. Асосий сабаб, яна такрор айтаман, агротехника тадбирларининг вақтида ўтказилмаслигида. Оддий мисол. Яганалашга баъзи вилоятларда умуман риоя қилинмайди. Бунда нима бўлади? Бир туп ғўза ўрнига бир неча туп ғўза озиқланади. Оқибатда кўсак майда, ҳосил эса кам бўлади.

Шу билан бирга, ерни шудгорлаш, экишга тайёрлаш, пушта олиш, ўғитлаш, гербицид сепиш, ғўзани суғориш, яганалаш — барисининг ўз меъёри бор. Бу ҳам амалда бузилаяпти.

Мен Турсунбой акага савол бермоқчиман. Хўжалигингиз уруғчилик хўжалиги экан, иқтисодингиз бошқалардан фарқ қиладими? Етиштирилган маҳсулотингизга бошқалардан кўпроқ ҳақ оласизми? Қарорда уруғчилик-элита хўжаликларига 10 фоиз ошиқ ҳақ берилсин, дейилган. Бу — жуда муҳим. Умуман, қарор ижросини таъминлаш ишига туман, вилоят раҳбарлари қатори биз ҳам бош-қош бўлишимиз керак. Айниқса, агротехника тадбирларини вақтида бажарилишига эришишимиз лозим. Шу мақсадда жойларда бригадирдан тортиб, ўрта бўғин мутахассисларигача — ҳаммани агротехника тадбирларини ўтказиш бўйича ўқувлар ташкил этиш керак.

**Ш. ЖАББОРОВ:** — Аваз ака, сизлар Исроилга бориб тажриба ўрганиб келибсизлар. Айтинг-чи, Исроилдаги деҳқончилик юритишнинг қайси жиҳатларини ўзимизга олишимиз мумкин?

**А. АВЛИЁҚУЛОВ:** — Исроилда ҳар йили октябрь ойи охирида ер шудгор қилиниб, бирваракайига пушта олинади. Сўнгра икки марта сув берилиб, ер етилгач, борона қилинади. Шу усулда бегона ўтларнинг бир қисми куздаёқ йўқотилади. Эрта баҳорда эса ерга яна сув таралади, тағин борона орқали бегона ўтларга қирон келтирилади.

Яна бир гап. Исроилда экинни экишдан олдин ерга гербицид солинади. Шундан кейин, албатта, бегона ўт деган нарсанинг ўзи қолмайди. Бу — ўзимизда ўзлаштиришимиз мумкин бўлган тажрибанинг бири. Чунки мазкур мамлакатда ана шу технология шарофати туфайли гектар ҳисобига 50-60 центнер ҳосил олинмоқда. Агар биз ушбу технологияни олиб келиб, бир миллион гектар майдонда синаб кўрсак, ҳосилдорликни камида 20 центнерга кўтаришимиз мумкин.

Энди уруғлик ҳақида. Исроилда бир гектар ерга 10-14 килограмм уруғ сарфланади. Уруғнинг оғирлиги ҳам, шакли ҳам бир хил. Мингтаси — 138 грамм. Бизда бу кўрсаткич 100 грамм атрофида.

Пахтани қандай ерга эксак, кўкараверади. Бироқ, ер шундайки, унга нима берсангиз, шунга яраша ҳосил оласиз. Шу боис, биз июнь ойи бошигача эртапишар навларга ўғит беришни тугатайлик. Кечпишарларини эса июнь охиригача ўғитлаш керак. Бу йил Қорақалпоғистонда 15 августгача ғўзага ўғит солинди. Бу усулда мўлжалдаги ҳосилни етиштириб бўладими?

Ўқув ташкил этиш керак, деганимнинг боиси шунда. Ғўза агротехникасини ўтказишни бригадирдан тортиб, раҳбарларгача — ҳамманинг онгига сингдириш керак.

**А. ҚЎШАЛИЕВ:** — Мен, аввало, Вазирлар Маҳкамасининг қарори ўта муҳим, ўз вақтида қабул қилинган ҳужжат, деб ҳисоблайман. Унда ғўза навларини янгилаш ва уларни оқилона жойлаштириш, пахта етиштириш, нав технологияси, уруғлик пахтани қайта ишлаш, умуман, уруғчилик тизимини такомиллаштириш, селекциячи олимлар, уруғчилик мутахассислари меҳнатини рағбатлантиришда шу пайтгача йўл қўйилган ва йўл қўйилаётган камчиликлар кўрсатиб ўтилди. Шуниси қувонарлики, селекция, уруғчилик ишларини, навларни оқилона жойлаштириш, юқори сифатли тола берадиган, тезпишар навларни яратиш соҳасидаги юмушларни ҳар томонлама такомиллаштириш ва жадаллаштириш — давлатнинг устувор вазифаси, деб белгиланди. Пахта етиштиришда илмий асосланган технологияга қатъий риоя қилиниши учун шахсий жавобгарлик кучайтирилди. Мулкчилик шаклларидан, идоравий бўйсунишдан қатъий назар, илмий муассасалар, уруғчилик хўжаликлари, пахтани қайта ишлаш корхоналари фаолиятини мувофиқлаштириш кўзда тутилди.

Қарорда, шунингдек, элита-уруғчилик хўжаликлари, илмий- текшириш муассасалари ва уларнинг экспериментал базалари фаолиятининг асосий кўрсаткичи қилиб, юқори сифатли чигит етиштириш ҳажмлари этиб белгиландики, бу яратилган нав, тайёрланаётган уруғлик сифати учун ҳамма субъектлар жавобгарлигини оширишга имкон беради. Нав яратувчи муассасаларни, чигит етиштирувчи хўжаликларни рағбатлантириш мақсадида тайёрланаётган юқори сифатли уруғлик чигит учун устама ҳақ белгиланиши эса, нав оригинаторлари ва элита хўжаликларининг техника базасини мустаҳкамлашга, илмий изланишларни чуқурлаштиришга кенг йўл очади.

Бу ҳужжатда пахта етиштиришда чет эл технологиясига эътибор қаратиш, хорижий навларни кенг миқёсда синаб кўриш, хорижликларнинг имкониятларини ўрганиш каби масалалар ҳам қайд этилган. Ватанимиз селекциясининг патентлар билан ҳимояланган навлар оригинатори — илмий муассасаларга ушбу навлардан хорижий мамлакатларда фойдаланиш бўйича чет эллик ҳамкорлар билан лицензия шартномалари тузишга рухсат берилган. Булар, шубҳасиз, уларнинг молиявий аҳволини яхшилашга имкон яратади.

Бир сўз билан айтганда, қарорда Ватанимизда пахтачилик соҳасини ривожлантириш мақсадида ҳамма субъектлар олдига аниқ вазифалар қўйилган. Бу вазифаларни бажариш учун ҳар бир муассаса, корхона, агросаноат мажмуи, хўжалик раҳбари ўз жавобгарлигини чуқур ҳис этмоғи зарур. Пахтачиликни ривожлантириш, жаҳон бозорига юқори сифатли тола етказиб бериш — республика валюта тушумининг асоси эканлигини ҳеч биримиз унутмаслигимиз керак.

Тўқ чигитни тишласангиз, қарсиллайди, мағзи тўқ бўлади. Ҳозир-чи, чигитни тишласангиз, эзилади, чунки унинг мағзи йўқ. Аввал чигитдан 17,5 фоиз мой олинса, ҳозир 13-13,5 фоиз олинаяпти. Баъзи чигитларда мойнинг ўзи йўқ.

Яна бир масала — тола ҳақида. Суҳбат асносида бу муаммо кўп марта тилга олинди. Мен ҳам ўз фикрларимни билдирмоқчиман. Чет элларда толанинг майинлиги, пишиқлигига эътибор берилади. «Фарғона-3» нави шундай хусусиятларга эга. Кейинги пайтларда нима учун кўпчилик унга ҳавас қилаётганининг боиси шунда. Аммо тола чиқиши пастроқ — 34 фоиз. Исроилда ҳам шунча фоиз тола олинади. Демак, тола бўйича биз жуда орқада қолиб кетганимиз йўқ. «Юлдуз», «Наманган-77», «С-65-32» эса 38-39 фоиз тола беради.

Бироқ бошқа муаммо бор. Ҳақ тўлашга келганда «Фарғона-3»гаям, «Наманган-77»га ҳам, «Юлдуз»га ҳам тоннасига бир хил нарх - 30 минг сўм белгиланган. Толага қараб ҳақ берилиши керак.

Нав хусусида ҳам икки оғиз сўз. Одатда яратилган нав Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигига берилади. У буни элита хўжалигига топширади. «Элита»чилар бориб навнинг тақдири билан қизиқмайди. Чунки уларни қизиқтирадиган иқтисодий манфаатдорлик йўқ. Дейлик, бир хўжалик ўтган йили бошқа навни экkан. Ана шу нав бўйича уруғлик тайёрлайсан, дейди. Қизиқадиган раҳбар ёки мутахассис бўлса, институтга келиб унинг моҳиятини суриштиради, бўлмаса йўқ. Ўша қизиқадиган одам навни экиб, заводга топширади. Завод ундан учта уруғлик нав оладими, тўрттами, товар пахта оладими, бир режимда ишлайверади. Бу одамни заводга тортадиган ҳеч қандай иқтисодий манфаат йўқ. Завод уруғни тайёрлайди-да, хўжаликларга сотади. Қарорнинг аҳамияти шундаки, пахта етиштирувчи, нав яратувчи, қайта ишловчини бир-бирига иқтисодий боғлаб турадиган занжир бор. Устама ҳақда нав яратувчиниям, оригинаторниям, хўжаликниям ҳақи турибди.

Баъзилар нав 20-30 йилда эскириб кетади, дейишади. Бу фикрга қўшилиш қийин. Айтиш керакки, ҳозирги ҳар бир навнинг қонида ёввойи, ярим ёввойи пахтанинг қони мавжуд. Ёввойи пахта майин, аммо толаси кам бўлади. Бироқ ҳар хил касалликка, сувсизликка, иқлимга чидамли. Шу боис, у бошқа нав билан чатиштирилади. Элита хўжаликларида энг зўр мутахассис ҳам ана шу чатиштирилган навнинг хусусиятини тўла билмагани боис, ундаги ёввойилик хусусиятлари ривожланиб бораверади. Шунинг учун элита хўжалигида нав муаллифининг ўзи ҳам ишлаши керак.

Бизда ҳозирги кунда 50 фоиз ер майдони шўрланган. Айниқса, Жиззах ва Сирдарёда шўрланган ерлар кўп. Шу боис деҳқонлар «Чигитни шўр куйдириб юборади» деб, гектарига 80-100 килограмм чигит қадайди. Агар 80 фоиз чигитни шўр куйдирса, 20 фоиз ниҳол қолади, 20 фоизини куйдирса, об-ҳаво яхши келса, 80 фоизи кўкаради. У ерда ягана қилишнинг имкони йўқ. Сабаби — ишчи кучи оз. Етарли ҳарорат, ўғит олмагач, ғўза нимжон ўсади, кўсак кичик бўлади.

Биз шўрга, қурғоқчиликка, турли касалликларга чидамли, очилиш суръати юқори навлар устида ишлашимиз керак. Ҳозиргача бизда навлар кам. АҚШда 64 та нав мавжуд. Буни улар кам дейишади. Биз эса бор-йўғи 17 та навга эгамиз. Аслида шунинг ўзи ҳам кўп. Нега? Чунки республикамизда заводлар, айниқса, минизаводлар, уруғчиликка ихтисослаштирилган хўжаликлар кам. Битта заводга бир хил нав кириб бориши керак. Бўлмаса навлар аралашиб кетади.

**Ш. ЖАББОРОВ:** — Қарорда элита хўжаликларида плёнка остига уруғлик чигит экиш таъқиқлансин, дейилган. Буни изоҳлаб берсангиз.

**А. ҚЎШАЛИЕВ:** — Плёнка остига экилган бодринг, помидор билан табиий шароитдаги бодринг ва помидорни танаввул қилиб кўргандмисиз? Плёнка остига экиш — маълум маънода унга сунъий шароит яратиб бериш дегани. Бунда чигит ўзининг табиий хусусиятларини йўқотади, кўсак майда бўлади.

**А. АВЛИЁҚУЛОВ:** — Ҳукумат қарорида иқлим шароитига мос навлар яратиш масаласи ҳам қўйилганки, бу кўпроқ бизга тааллуқлидир. Айтиш мумкинки, бу борада бизнинг имкониятимиз етарли — ўн бир вилоятда филиалларимиз бор. Ана шу вилоятларда элита уруғчилиги хўжаликларимиз ҳам мавжуд.

Бу ерда агротехника ҳақида гап борди. Хўш, агротехника қоидаларини ким ишлаб беради? Бизнинг пахтачилик институтимиз технологик институт ҳисобланади. Филиалларимиз кичик-кичик далаларга эга. Нав келиши билан унинг паспорти ишлаб чиқилади, тажриба участкасига кўчирилади. Сўнгра хўжаликларга етказиб берилади. Агротехника талабларига ҳамма жойда қатъий риоя этилиши лозим. Бўлмаса, кейинги қилган тоат-ибодатларингиз бир пул бўлади. Сувни ёки ўғитни, культивацияни икки-уч кун кечиктиринг-чи, қанча ҳосил йўқотасиз? Мана, ҳозир шудгорлаш ҳам кечикиб кетаяпти. Қарорда шундай дейилган: «Вилоятлар, туманлар ва хўжаликларнинг кўплаб раҳбарларининг, агросаноат комплекси мансабдор шахсларининг ўз масъулиятсизлигини, ишни ташкил этишдаги уқувсизлигини, агротехникани қўпол равишда бузишларни ноқулай об-ҳаво шароитларига ағдариш каби кенг ёйилган амалиёти қоралансин». Бу — айни кўнгилдаги гап.

**Х. ШИРИНОВ:** — Боя пахтанинг эртапишар, ўртапишар, кечпишар навлари ҳақида гап кетди. Гербицид хусусида ҳам гапирилди. Шу вақтга қадар чигитни гербицид билан экканмиз. Аммо сўнгги уч йилда бунга риоя қилинмаяпти — гербицид йўқ. Натижада ғўзадан аввал шўра униб чиқаяпти. Уни юлиб ташлаш катта куч талаб этади. Муҳими, шўрадан тозалаш асносида ғўза ниҳолларига путур етади. 90 минг туп ниҳол бўлса, 50 минг тупи қолади. Шунинг учун ҳамма далага гербицид солиниши керак. Бу бўлмаса, пахтачилигимиз ривожи жуда қийин кечади.

Туманимиздаги Ҳаким полвон Қодиров номли жамоа хўжалиги ерлари энг кўп ўт босадиган хўжалик эди. Бу йил 6 та ПГС — дори пуркаш мосламаси бошқа туманлардан олиб келиниб, ерга гербицид солинди. Ўт чиқмади. Хўжаликда пахта тайёрлаш режаси ҳам бажарилди. Айтмоқчиманки, ҳар бир хўжаликда ПГС бўлиши керак, чигитни эса гербицид билан экиш лозим.

Ғўзани бегона ўтдан тозалаш учун қанча куч, қанча харажат кетади? Тўрт-беш марта кўп харажат сарфланади. Оқибатда, ғўза қалинлигига путур етади — етарли ҳосилни ололмайсиз. Бир гектар ерга эса бор-йўғи 1 кг. гербицид керак. Фарқни ўзингиз ҳисоблаб олаверинг.

Ўғит масаласи кўтарилди. Ғўзага аввал карбомид, сўнгра селитра бериш керак. Ҳаммасининг берилиш муддати бор. Заводга бориб, ўғит оламиз десак, карбомид йўқ, дейишади. Ўрнига селитра беришади. Натижада ҳосилнинг етилиши кечикиб, кутилган натижага эриша олмаяпмиз.

**Р. НАЗАРОВ:** — Бир нарсага аҳамият берайлик. Бир нав, айтайлик, Хоразмда яхши натижа берган бўлса-да, у бошқа вилоятга мос келмайди. Бу йил Жиззахда шу ҳол юз берди. Ўзини оқламаган навлардан тезроқ воз кечайлик.

**Ш. ЖАББОРОВ:** — Ҳар бирингиз, мазкур қарордан келиб чиққан ҳолда, мен 1999 йилда шундай иш тутаман, дея ўзингиз белгилаган аниқ режангизни айта оласизми?

**Р. НАЗАРОВ:** — Навларни жойлаштириш, ғўза агротехникасини амалга ошириш йўлида бутун кучимни сарфлайман. Қайси навга қандай шароит яратиш кераклигидан қатъий назар, унга қатъий амал қиламан.

**А. АВЛИЁҚУЛОВ:** — Қарор қоғозда қолиб кетмаслиги керак. Бу — биринчиси. Иккинчидан, мўл пахта етиштириш учун туманларда, хўжаликларда ғўза агротехникасини ўз муддатида ўтказиш учун шароит яратилиши лозим. Бу масалаларда муайян тавсиялар беришим мумкин.

**А. ҚЎШАЛИЕВ:** — Қарор бажарилишининг 70 фоизи элита уруғчилигига боғлиқ. Дастур икки йилга мўлжалланган бўлиб, барча тадбирлар, айтилган гаплар ўз вақтида бажарилса, ишлар ҳам ўз ўрнига тушади.

**Т. ҲАЙДАРОВ:** — Уруғни тозалаш ишларини, агротехника тадбирларини ўз вақтида ўтказсак, ниятимиз ҳам ушалади.

**Х. ШИРИНОВ:** — Техника таъминотини яхшилаш керак. Зарур маъданли ўғитларни ўз вақтида етказиб бериш лозим.

**А. АВЛИЁҚУЛОВ:** — Элита хўжаликларига 10 фоиз юқори ҳақ бериш белгиланган экан, бунинг бажарилишини назорат қилиш зарур бўлади. Қарорда олдимизга қўйилаётган талаблар, вазифаларни оддий деҳқондан тортиб, мутахассисгача — ҳамма тўғри англаши, тушуниши керак. Боя мен ўқув ташкил этиш керак, деганимнинг моҳияти ҳам шу.

**А. УСМОНОВ:** — Яхши, дилдан суҳбат бўлди. Асосий мақсад — қарорда белгиланган вазифаларни бажариш. Истаган имкон, истамаган баҳона қидиради, дейишади. Баъзи бир раҳбарларга ўзини оқлаш учун баҳона ҳамиша топилади. Бироқ масаланинг бошқа томони ҳам бор. Яқинда мен Андижон, Наманган, Фарғона вилоятларида бўлдим.

— Чигитимиз униб чиққанда, ҳосил ўтган йилдагидан ҳам яхши бўлади деб умид қилгандик, — Андижон вилояти ҳокими Қ. Обидов дард билан гапирдилар. — Бироқ, вилоятда 82 марта ёмғир, дўл ёғди. Бир тележкадан бир тоннагача кам пахта чиқди...

Демак, иқлим ўзгаришига мослаб нав яратиш ва унинг агротехникасига қатъий амал қилиш керак экан. Бунинг учун эса барча соҳа мутахассисларининг ҳамжиҳатлиги муҳимдир. Чигит экишдан, агротехника талабларини бажаришдан тортиб, кичик заводлар қуришгача — барча бир ёқадан бош чиқариб, ҳамжиҳатлик билан ишласа, ишончимиз комилки, муваффақиятлар ўз-ўзидан келаверади.

Бу — суҳбатимизнинг биринчиси бўлмагани каби, охиргиси ҳам эмас. Бундай масалаларни кунда, кунора матбуотда, телевидение, газетада айтиб борсак, табиийки, ҳар бир деҳқон, ҳар бир раҳбару мутахассис бу масалага янада жиддийроқ ёндашади. Ва Вазирлар Маҳкамаси ушбу қарори ижросининг бажарилишига баҳоли қудрат ҳисса қўшади.



Акром ҚЎШАЛИЕВ



Аваз АВЛИЁҚУЛОВ



Турсун ҲАЙДАРОВ



Ренат НАЗАРОВ



Хушвақт ШИРИНОВ




*Маълумки, бундан бир йил аввал Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Тошкент трактор заводида бўлиб, қишлоқ хўжалик машиналари, шу жумладан, пахта навларини янгилаш хусусида суҳбат ўтказган эди. Ўшанда йўлбошчимиз бугунги кунда экилаётган пахта навлари анча эскирганлиги, олимларимиз эртапишар, касалликларга чидамли, пишиқ толали янги навлар яратишда сусткашликка йўл қўяётганлари, шу туфайли бу соҳадаги ислоҳотларни тубдан ўзгартириш лозимлиги ҳақида куйиниб гапирган эдилар. Бироқ бу борада ҳали жиддий ўзгаришлар сезилмаяпти — уруғчилик масаласи ҳамон оқсамоқда, соҳа мутахассисларининг фидойилиги, ташаббускорлиги кўзга ташланмаяпти. Зеро, Вазирлар Маҳкамасининг «1999-2000 йилларда пахта навларини яхшилаш ва жойлаштириш дастури тўғрисида»ги қарорида ҳам бу масалалар алоҳида таъкидланди.*

*Мазкур Қарор бугун соҳа мутахассислари, олимлар, оддий деҳқонлар, кенг жамоатчилик томонидан катта қизиқиш билан ўрганилмоқда. Шу муносабат билан «Халқ сўзи» газетаси таҳририяти пахта уруғчилиги мавзуида давра суҳбати ўтказди. Унда иқтисодий шарҳловчи Шуҳрат ЖАББОРОВ, қишлоқ хўжалиги илмий-ишлаб чиқариш марказининг бўлим бошлиғи, қишлоқ хўжалик фанлари доктори, профессор Ренат НАЗАРОВ, ғўза селекцияси ва уруғчилиги илмий-тадқиқот институти директори Акрам ҚЎШАЛИЕВ, пахтачилик илмий-тадқиқот институти директори Аваз АВЛИЁҚУЛОВ, Пискент тумани қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бошлиғи Хушвақт ШИРИНОВ, мазкур тумандаги Ҳ. Қодиров номли жамоа хўжалиги раиси Турсун ҲАЙДАРОВ қатнашишди.*

*«Давра суҳбати»ни «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталарининг бош муҳаррири Аббосхон УСМОНОВ бошлаб берди.*

**«Давра суҳбати»ни «Халқ сўзи» мухбирлари Мавжуда ХОЛМАТОВА, Икром ЎТБОСАРОВ, Эсирғап БОЛИЕВ ёзиб олишди.**





## ХОНАДОНИМИЗ КЎРКИ

*Самарқанд вилоятида фаолият кўрсатаётган «Нафис» чинни маҳсулотлари ишлаб чиқариш-ҳиссадорлик жамияти томонидан тайёрланаётган маҳсулотларнинг харидори кўп.*

*Айни кунларда бу ерда буюк бобокалонларимиз Жалолиддин Мангуберди ва Огаҳий таваллудларига бағишлаб, бежирим тасвирлар туширилган чинни буюмлар тайёрланмоқда. Бу эса кўпчиликка маъқул келяпти.*

**СУРАТЛАРДА: иш жараёнидан лавҳалар.**

**Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган суратлар.**

## ҚАСАМЁД ТАНТАНАЛАРИ

Шу кунларда мамлакатимиз Қуролли Кучлари сафига чақирилган ёш аскарлар ҳарбий қасамёд қилиб, Ватанга, халқимизга, Президентимизга сидқидилдан хизмат қилишга тантанали ваъда беришмоқда. Яқинда шундай тадбирлардан бири Миллий гвардияда бўлиб ўтди. Шуниси диққатга сазоворки, бу галги қасамёд пайтида ёш аскарлар қатори уларнинг ота-оналари ҳам иштирок этдилар. Ота-оналар ҳарбийликка қабул қилинган фарзандларининг Ватан олдидаги муқаддас бурчини ҳалол ва мардона ўтаб, доимо сергак бўлишга, она юртнинг ҳар бир қаричини кўз қорачиғидек асрашга даъват этишди.

Қасамёд тантаналари тугагач, марказий офицерлар уйида аскарлар ва уларнинг ота-оналари учун Қуролли Кучлар ашула ва рақс ансамбли ижросида катта концерт намойиш қилинди.

**Нормурод МУСОМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

# МУТАХАССИСЛАРГА ЭҲТИЁЖ КАТТА

**БУГУН ХАЛҚАРО НОГИРОНЛАР КУНИ**

***Мухбиримиз ана шу муносабат билан Тошкент давлат педагогика университети профессори, педагогика фанлари доктори, педагогика ва дефектология факультети декани Лола Мўминовага бир неча саволлар билан мурожаат қилди***

**— Билишимизча, умумжаҳон эътироф этган халқаро ҳуқуқ мезонларида ногиронларга жамиятнинг тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида муносабатда бўлиш қайд қилинган...**

— Ҳа. Шу боис бўлса керак айрим сиёсатчилар жамиятдаги адолат даражасини ногиронларга нисбатан бўлган муносабат орқали билса ҳам бўлади, деган гапни бот-бот такрорлашади. Бунда катта мантиқ бор. Чунки ногиронларга нисбатан муносабат муайян жамиятдаги нафақат адолат, балки юксак маданият, инсонпарварликни ҳам билдиради.

Маълумки, мамлакатимиз жаҳон ҳамжамиятининг тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида бир қанча халқаро ҳужжатларни ратификация қилди. Бу табиийки, Ўзбекистон зиммасига ҳам катта масъулият ва вазифа юклайди.

Мамлакатимизда бугунги кунда ногиронларга нисбатан муносабат масаласида барча ҳуқуқий асослар яратилган деб айтиш мумкин. 1991 йил 18 ноябрда мамлакат Парламенти «Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунни қабул қилди. 1995 йил эса «Ногиронларни реабилитация қилиш бўйича 1996 - 2000 йилларга мўлжалланган давлат дастури» эълон қилинди. Вазирлар Маҳкамаси қарори асосида «Она ва бола скрининги» (ногиронликнинг олдини олиш) марказлари очилди. «Таълим ҳақида»ги Қонун, Вазирлар Маҳкамасининг жорий йил 13 май куни қабул қилган қарорида ҳам ногирон болаларга таълим-тарбия бериш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган.

Шу ўринда бу борада талай амалий ишлар қилинганлиги ва қилинаётганлигини ҳам таъкидлаш жоиз. Айни пайтда ҳар бир туман халқ таълими бўлими қошида психологик-педагогик ташхис марказлари ташкил қилинган. Ушбу марказлар нуқсон билан туғилган болаларга ўз вақтида ташхис қўйиш, нуқсонларни бартараф этиш, уларни мактабга тайёрлаш, ижтимоий ёрдам ва ҳимоя чораларини белгилаш каби муҳим вазифалар билан шуғулланади.

Яна шуни ҳам айтиш керакки, Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил қабул қилган қарорида ногиронларнинг барча фуқаролар каби тенг ҳуқуқ ва имкониятларга эга бўлишлари учун тегишли шарт-шароитлар яратилиши зарурлиги белгилаб қўйилган.

**— Тадбирларнинг белгиланганлиги яхши, лекин унинг ижроси мутахассислар билан таъминланганликка боғлиқ-да, албатта.**

Кўп узоққа бормай Тошкент давлат педагогика университетининг педогогика ва дефектология факультети тайёрлаётган мутахассислар ҳақида гапирмоқчиман. Мамлакатимизда ҳозирча дефектолог мутахассислар фақат бизнинг университетда тайёрланади. Факультетимизда ҳар йили 60 та талаба қабул қилинади. Бу, албатта, кам. Агар қабул қилинган қонун ва қарорлар, кадрлар тайёрлаш бўйича Миллий дастурни ҳаётга тўлиқ татбиқ қилсак, дефектолог ўқитувчиларга нисбатан эҳтиёж янада ортади. Чунки эндиликда махсус муассасаларгина эмас, балки ҳар бир болалар боғчаси, мактаблар, педагогик-психологик, она ва бола ҳамда миллий реабилитация марказлари, болалар уйларида ҳам дефектолог мутахассислар керак бўлади.

**— Айтишингизча, дефектолог мутахассисларга жамиятимизда эҳтиёж катта экан. Бордию уларнинг сони кескин ошириладиган бўлса, дефектологларни тайёрлайдиган юқори малакали мутахассислар етарли деб ўйлайсизми?**

— Ундан кўнглингиз тўқ бўлсин. Факультет профессор-ўқитувчилари бу ишга аллақачон киришишган. Биз айни пайтда янги бакалавр-дефектолог мутахассиси тайёрлаш режасини туздик. Ва шунга мувофиқ иш режаси, янги дастур ҳамда ўқув қўлланмалари устида ҳам ишлар олиб борилмоқда.

Сўзим сўнггида жамиятимизда бозор иқтисодиёти шароитида ногиронларни ижтимоий муҳофаза қилиш масаласига ҳукумат миқёсида жиддий ва катта эътибор қаратилаётганлигини алоҳида таъкидлашни истардим. Қолаверса, бу биз барпо қилаётган янги жамиятнинг нақадар инсонпарварлигидан ҳам далолатдир.

**«Халқ сўзи» мухбири И. ХУДОЁРОВ суҳбатлашди.**

## УЛАРНИ ИЛМ БИРЛАШТИРАДИ

Мактаблараро танишиш мақсадида Тошкентдаги В.Успенский номли ўрта махсус мусиқа мактаб-интернати, Карл Филипп Иманусл Бах номли Берлин гимназияси ва Расин номли Париж лицейи ўқувчилари билан мулоқот уюштирилди. Мазкур учрашувга Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги, Франция ва Германия элчихоналари ҳомийлик қилдилар.

Учрашув иштирокчилари ўн кун Берлинда, ўн кун Парижда бўлиб, бир-бирлари билан яқиндан танишдилар, ўқишларидаги ютуқлар, гимназия ва лицейлар ўртасида тикланаётган ҳамкорлик режалари хусусида фикрлар алмашиб, қизиқарли саёҳатлар, қўшма концертлар уюштирдилар. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи Тамара Афанасьевна Попович бошчилигида иқтидорли деб топилган ўзбекистонлик ўқувчилар орасида фортепиано бўйича Лола Остонова, Беҳзод Абдуллаев, скрипкачилар Искандар Комилов, Саъдулла Аҳроров, Темур Ваҳобов, флейта бўйича Севара Зоировалар Берлин ва Париждаги намунали оилаларда истиқомат қилдилар. Куни кеча эса ўқувчиларимиз ўз саёҳатлари, дўстона мулоқотлари ни 1999 йилнинг апрель ойида Ўзбекистон заминида давом эттиришни режалаштириб, юртимизга қайтдилар.

**Гулмира МУСАЕВА.**


# ОСИЁ - ИНВЕСТ БАНК

*Соғлом консерватизм - бизнинг асосий қоидамиз*

**«Осиё-Инвест Банк» Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги ҳукуматлараро битимга мувофиқ ташкил этилган.**

*Банк сармоясининг 85 фоизи хорижий сармоя улушига тўғри келади.*

*Банк активларининг 90 фоиздан кўпроғи АҚШ долларидадир.*

**Банк Россия Федерациясининг давлат ва корпоратив қимматли қоғозларига маблағ қўймаган, муддатли битимлар (форвард, фьючерс битимлари) бўйича мажбуриятлар олмаган.**

**Россия молия муассасаларининг ишончлилик рейтингида «Осиё-Инвест Банк» 5-ўринда туради.**

*Таклиф этиладиган операциялар:*

- *Россия рубли ва эркин конвертацияланадиган валютадаги маблағларни ҳисобварaққа киритиш ҳамда тўловларни "шу куннинг ўзида" ўтказиш;*
- *ON LANE тизимида ишловчи электрон-лот савдоларида (SELT) хорижий валюталарни сотиб олиш ва сотиш;*
- *«Банк-Мижоз» тизими ёрдамида ҳисобварақни олисдан бошқариш;*
- *Комплекс ҳисоб-китоб-касса хизматлари кўрсатиш;*
- *Мижозларга Россиянинг бошқа банкларидаги қарзлар бўйича ўзаро ҳисоб-китоблар қилишда ёрдам бериш;*
- *Банк кафолатлари бериш;*
- *Рейтер ва СВИФТ тизимларида операциялар бажариш.*

*Биз Россиядаги мижозларимиз манфаатларини ҳимоя қиламиз!*

«Осиё-Инвест Банк»нинг аудитори - ERNST & YOUNG компанияси

**Банк Москва марказида қуйидаги манзилда жойлашган: Казачий 1-торкўчаси, 11/2 (метронинг «Полянка» бекати)**

**Телефонлар: 237-43-88, 230-04-02.**

LL@1192


Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Бюджет, банк ва молия масалалари қўмитаси Олий Мажлис депутати, қўмита аъзоси Т. О. Зокировга волидаи муҳтарамалари

**Зулфия ая ЗОКИРОВАнинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги ҳузуридаги Муҳожир-меҳнаткашлар ишлари бўйича ваколатхона жамоаси меҳнат вазири Оқилжон Обидовга волидаи муҳтарамалари

**ЗУЛФИЯ аянинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасининг «Ўзматбаа — таъминот» корхонаси раҳбарияти ва жамоаси шу корхонанинг бош иқтисодчиси Эркин Зокировга опаси

**Зулфия ая ЗОКИРОВАнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент шаҳар Меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий ҳимоя қилиш бош бошқармаси жамоаси Ўзбекистон Республикаси меҳнат вазири Оқилжон Обидовга волидаи муҳтарамалари

**Зулфия ЗОКИРОВАнинг**

вафоти муносабати билан таъзия изҳор этади.

«Физика—Қуёш» ИИЧБ жамоаси лаборатория мудири, физика-математика фанлари доктори Тоҳир Розиқовга волидаи муҳтарамалари

**Махсума ая РОЗИҚОВАнинг**

бевақт вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.


«ХАЛҚ СЎЗИ» «НАРОДНОЕ СЛОВО»

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Аббосхон УСМОНОВ

**Таҳрир ҳайъати:**
М. ЕГОРОВ (масъул котиб — «Народное слово»), А. ЖАББОРОВ, С. ЗИНИН, М. МИРАЛИМОВ, С. МУҲИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), Л. ПАК (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), М. САФАРОВ, Р. ФАРҲОДИЙ, И. ХУДОЁРОВ, И. ШОҒУЛОМОВ, Ў. ҲОШИМОВ.

**БЎЛИМЛАР:**
*Ижтимоий-сиёсий ҳаёт* — 133-57-34;
*Ҳуқуқ* — 136-07-94;
*Иқтисодиёт* — 136-36-65;
*Қишлоқ хўжалиги* — 136-37-85
*Маънавият ва маърифат* — 136-35-60, 132-10-65;
*Хатлар* — 136-29-89, 133-07-48;
*Фан, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий масалалар* — 132-12-08;
*Халқаро ҳаёт* — 132-11-15;
*Котибият* — 133-10-28;
*Эълонлар* — 136-09-25.

**Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00001**
Буюртма Г — 0608, 27517 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

Газета PENTIUM-II mmx компьютерида терилди ҳамда операторлар Сергей ЛУКИН ва Жамшид ТОҒАЕВ томонидан саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир — Э. БОЛИЕВ. Навбатчи — Т. АБДУРАҲМОНОВ. Мусаҳҳиҳ — Ш. МАШРАББОЕВ.

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

*Босишга топшириш вақти — 21.00 топширилди — 21.45*
1 2 3 4 5 6